

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
ITIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



TIKLANISH

1995 йил 10 июльдан чика бошлаган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



3 ЭНГ МУҲИМИ, ОММА УЙҒОНДИ!

4 ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ИБРАТЛИ НАМУНАСИ



6 «ВОЙ НУСХАНГДАН ОГУР-ЭЙ»

Ўзбек таржима ва дубляж санъати ҳамда маҳорати ҳақида гап кетганда кўз олдимга «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради», фильми келаверади. Куйида дубляжда иштирок этган бетакрор санъат усталарининг маҳорати ҳақида эмас, мазкур фильм таржимаси хусусида икки оғиз фикр билдирмоқчиман.

7 ҲУҚУВЧИГА КИТОБ ҲУҚИГАНИ УЧУН ҲАМ БАҲО ҚУЙИЛСА...

Юқори синф ўқувчиларига ҳар чорак якунида ўқиган китоблари учун ҳам баҳо қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда ўқувчилар ёши ҳисобга олиниб, маълум адабиётлар белгиланиши, ўқиган китоблари сонига қараб «4» ёки «5» баҳо қўйилиши мумкин.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР: МЕНДА ТАҚЛИФ БОР

«ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУЛ
ҚУД ҚАРОРИСИЗ О

БОШ ҚОМУСИМИЗДА
ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИ
КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК

ҲАМДА АЖРИМ БЎЛГАН
ФАРЗАНД ТАРБИЯС

ЎНИТУВЧИ
МАҚОМИ
ТЎҒРИСИДА
МОДДА
КИРИТИЛИШИНИ
ТАҚЛИФ
ҚИЛАМАН

ҚИЗЛАРНИ ТУРМУШГА
ЧИҚИШ ЁШИНИ 20 ЁШ
ДЕБ БЕЛГИЛАШ КЕРАК

БОШ ҚОМУСИМИЗДА
ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИ
КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК

ҚИЗЛАРНИ ТУРМУШГА
ЧИҚИШ ЁШИНИ 20 ЁШ
ДЕБ БЕЛГИЛАШ КЕРАК

БОШ ҚОМУСИМИЗДА
ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИ
КЎРСАТИЛИШИ КЕРАК

ҚИЗЛАРНИ ТУРМУШГА
ЧИҚИШ ЁШИНИ 20 ЁШ
ДЕБ БЕЛГИЛАШ КЕРАК



Танзила Норбоева бошчилигидаги деlegation АҚШга ташриф буюради

Жорий йилнинг 15-17 июнь кунлари Олий Мажлис Сенати раиси, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлади.

АҚШ Конгресси, шунингдек, тўқимачилик уюшмалари ва ишбилармон доиралари вакиллари билан икки томонлама учрашувлар доирасида тўқимачилик соҳасидаги давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилади.

АҚШ ишбилармон доиралари учун Ўзбекистон тўқимачилик индустриясининг савдо-инвестициявий салоҳияти тақдимоти ўтказилиши ҳам назарда тутилган.

ЎзА

ШХТ Миллий координаторлари Тошкентда тўпланди

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Миллий координаторлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бошланди.

Тошкент шаҳрида жойлашган ШХТ Минтақавий ақсилтерроп уюшмаси биносида гибрид шаклда бўлиб ўтаётган учрашувда тузилмага аъзо барча мамлакатлар ҳамда Ташкилот Котибияти вакиллари иштирок этапти.

Ўзбекистон раислигида кечаётган, ўзига хос рамзий маънода 15 июнь – ШХТ ташкил толган кун олдидан иш бошлаган бу гагги анжуман кун тартибидан, одатдагидек, бир қатор муҳим ва долзарб масалалар ўрин олган.

Делегациялар вакиллари дастлаб 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши навбатдаги мажлисига тайёргарликнинг боришини муҳокама қилдилар. Мавзуд юзасидан Ўзбекистон томонининг ахбороти тингланди, атрофлича фикр алмашилди. Саммитда кўриб чиқиладиган ҳужжатлар, Самарқанд декларацияси, қабул қилинадиган қарорлар лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тўрт кун давом этадиган тадбир давомида қатнашчилар ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари ҳамда Ташқи ишлар вазирлари кенгашлари йиғилиши билан боғлиқ тайёргарлик ишларини ҳам таҳлил қилади. Бу жараёнда ТИВК дастури, ШХТ Котибияти ҳисоботи ва муҳокамага киритиладиган ҳужжатлар рўйхати кўриб чиқилади. Анжуманга 17 июнь куни Марказий Осиё халқаро институтида бўлиб ўтадиган ШХТ Хартиясининг 20 йиллигига бағишланган Халқаро конференция якуни ясайди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎзА

КИМ АСЛИДА КИМ?



2 НЕГА ҲИМОЯ ОРДЕРИ АЁЛНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛМАЯПТИ?

7 НЕМИСЛАРДАН ЎРГАНМАСЛИК КЕРАК!

Улар «1»га ўқишаркан!

3 ХОТИН-ҚИЗЛАР
IT СОҲАСИ
БЎЙИЧА
ЎҚИТИЛАДИ

6 ПУШКИН ВА
ҚУРЪОН

8 ЎН БИР
ЖАНГ
ВА 11
ҒАЛАБА



Фракция йиғилиши
видеосини кўриш учун
телефонингиздан QR-кодни
сканер қилинг.

Нега ҳимоя ордери аёлни ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛМАЯПТИ?

Жаримани ошириш муаммонинг ечими эмас!

Жазолаш билан оилани сақлаб қолиш мумкинми?

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 206¹-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳа ташаббускорларининг таъкидлашича, таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳимоя ордери берилишига қарамай, бундай ҳолатлар сони камаймаяпти. Мисол учун, 2020 йилда хотин-қизларга 14 774 та ҳимоя ордери берилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 39 343 тани ташкил этди. Ҳимоя ордери талабларини бажармаслик бўйича эса 1 210 та ҳолат аниқланди. Шунингдек, 623 та ҳолатда ҳимоя ордери узайтирилган бўлса, қарийб 1000 та ҳолатда қайтадан расмийлаштирилди.

2020 йилда ҳимоя ордери талабларини бажармаслик оқибатида 146 та ҳолатда маъмурий жавобгарлик қўлланилди. 2021 йил якунига келиб эса бу рақам 1322 тани ташкил этди. Бундай ҳолатларнинг ортиси эса ҳимоя ордери талабларини бажармаслик бўйича жавобгарликни янада кучайтириш заруратини юзага келтирди.

Фракция аъзоси Алишер Ҳамраев қонун лойиҳасига муносабат билдириб, жаримани ошириш билан бундай ҳолатларни камайтириб

бўлмаслигини таъкидлади.

Унинг айтишича, аслида эр-хотин ўртасидаги зиддиятлар иқтисодий ночорликдан келиб чиқади. Лекин биз жаримани 10 баравар ошириш билан оила бюджетига баттар зарар етказмаймизми? Шунинг учун аёлига қўл кўтарадиган эркакларни жазолашнинг бошқа йўлини топиш керак.

Қизгин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда маъқулладилар.

– Аслида ҳимоя ордерига бўлган эҳтиёж эркак ва аёлнинг оилада ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганидан келиб чиқади. Агар эр-хотин бир-бирини ҳурмат қилса, ҳимоя ордерига зарурат бўлмайди. Умуман, қадриятларимизда бу муаммога ечим бор. ЖАЗОЛАШ БИЛАН ОИЛАНИ САҚЛАБ ҚОЛИБ БЎЛМАЙДИ, – деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Депутатлар яқдил фикрга келдилар: ЖАРИМАНИНГ ОШИРИЛИШИ МУАММОГА ЕЧИМ ЭМАС. Иккинчи ўқишда жарима миқдори бўйича албатта тақлифлар билдирилади.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилишича, мазкур қонун лойиҳаси ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг жамоат хавфсизлиги йўналишида кўрилатган чоралар ва уларнинг натижалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши мажлисларида ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш асосларини белгилайди.

Депутатлар қонун лойиҳаси ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга, иш самарадорлигини оширишга, айрим атамаларнинг тўғри қўлланилишига хизмат қилишини эътиборга олиб, лойиҳани маъқулладилар.

С.МУЛЛАЖОНОВ
тайёрлади

Худудларда

ҲАР БИР ЎЗГАРИШ ЗАМИРИДА ИНСОН МАНФААТИ МУЖАССАМ

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун тақлифларни жамлаш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари Навоий вилоятида бўлиб, маҳаллий кенгаш депутатлари, маҳалла оқсоқоллари, ёшлар, халқ таълими, тиббиёт тизими ва бошқа соҳа вакиллари билан конституциявий ислохотлар мавзусида учрашувлар ўтказди.

Дастлабки учрашув Навоий давлат педагогика институтида бўлиб ўтди. Тадбирда ишчи гуруҳ раҳбари, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Миродил Абдурахмонов конституциявий ислохотлардан кўзланган мақсад, глобаллашадиган дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, Ўзбекистонда инсон қадри, одамларни рози қилиш борасида кейинги йилларда олиб борилаётган ислохотлар хусусида сўз юритиб, Конституция ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатлари, жамиятдаги барқарорлик ва тараққиёт асоси эканини таъкидлади. М.Абдурахмонов, шунингдек, айтиш пайтида Конституциявий комиссияга 20 мингга яқин тақлифлар тушгани, уларнинг аксариятида оила, ёшлар, гендер тенглиги, коррупциянинг олдини олиш ва депутатлар корпуси зиммасидаги масъулият масалаларигача қамраб олинганлигини қайд этди.

– Ҳар бир фуқаро қаерда ва қандай соҳада хизмат қилмасин бу жараёнда фаол иштирок этиши зарур, – деди йиғилишда Олий Мажлис сенати аъзоси Абира Ҳусейнова. – Тақлифлар бериш сиёсий партиялар, депутатлар ва ҳуқуқшунослар иши деб ўйласак катта хато бўлади. Сизларнинг тақлиф ҳамда мулоҳазаларингиз ҳам биз учун жуда муҳим.

Партия Марказий кенгаши Ўқув-услубий ва тадқиқот маркази раҳбари Нуриймон Абулхасан эса Конституция давлат билан фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий шартнома эканини эслатиб, ҳар биримиз Бош Қомусимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида иштирок этишни ўз бурчимиз, деб ҳисоблашимиз керак, – деб таъкидлади.

Навоий вилояти Кенгаши депутати, ҳуқуқшунос Гулза Мирзаеванинг фикрича, Конституциянинг 15-моддасига «Ҳар қандай қонун бузилиш



ҳолатига нисбатан тегишли жавобгарлик қўлланилади», деган ўзгартириш киритилиши зарур. Бу давлат органларининг, айниқса, мансабдор шахсларнинг қонун олдидаги масъулиятини оширади.

Вилоят Кенгаши депутати, педагог Феруза Файзиева эса 64-моддага оилалар ажримдан кейин боланинг тақдири, тарбияси аро йўлда қолиб кетмаслиги учун фарзанднинг тарбияси ва таъминоти отаси ва онасига бир хил юклатилиши мақсадга мувофиқ бўлиши ҳақида модда киритиш кераклигини тақлиф қилди.

Тадбир давомида жамиятда ўқитувчи мақомини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларга уйда ишлашлари учун ҳуқуқий асослар яратиш, табиат муҳофазасига оид бир-биридан қизиқарли тақлифлар ҳам билдирилди.

Шундай очиқ мулоқотлар Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети, Навбахор туманидаги 11-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда Қизилтепа туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабларида ҳам ташкил этилди.

Университетда ўтказилган тадбирда ушбу олий таълим муассасаси тьютори Жамшид Қўчқоров Конституциянинг 99-моддасини халқ депутатлари Кенгаши раисларини сайлаш кераклиги тўғрисидаги сўзлар билан тўлдирди лозим, деган тақлифни билдирди.

Навахор туманидаги 11-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида

бўлиб ўтган учрашувда эса аксарият юртдошларимизни ўйлантирган муаммо – қизларнинг эрта турмуш қуриш масаласи бўлди.

Жумладан, Навбахор тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги ўринбосари Малухат Холова Конституцияга қизларнинг турмушга чиқиш ёшини 20 ёш деб белгилашни тақлиф этди.

– Бу эрта никоҳ ва оилавий ажримларнинг олдини олишга, соғлом болалар туғилиши ва, энг муҳими, ёш оналарнинг саломатлигини муҳофаза этишга ёрдам беради, – деди М. Холова.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, конституциявий ислохотлар ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмаяпти. Тадбирларда Бош Қомусимизни оддий ва халқона тилда ёзишдан тортиб энг кам иш ҳақи даражасини Конституцияда белгилашгача, истеъмол саватчасидан тортиб, тиббиёт ходимларини безорилардан ҳимоя қилишгача бўлган масалалар ҳам кўтарилди. Зеро, бундай фаоллик Янги Ўзбекистонда инсон, унинг қадриятлари, ҳақ-ҳуқуқи олий қадрият ҳисобланиб, одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг ўй-ташвишларини ҳал этиш, энг муҳими, ҳазрати фуқарони рози қилиш асосий мезонга айланаётганини кўрсатаяпти.

Жамолдин АХТАМОВ,
партиянинг Навоий вилояти
Кенгаши бош мутахассиси

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР

Айни пайтда шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий тармоқлардан одамларни манипуляция қилиш, қўрқитиш ва таҳдид солиш воситаси сифатида фойдаланиш, кишиларни жамиятда обрўсизлантирадиган, шахсий ҳаётига оид маълумотларни тарқатиб юбориш билан таҳдид қилиш ҳоллари кўп учрамоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар ҳатто вояга етмаган болалар ўртасида ҳам учрай бошлади. Шу боисдан ҳам мазкур ҳолат қонун билан тақиқланиб, Бош Қомусимизда «шахсни обрўсизлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат жиноий жавобгарликка тортилади» мазмунда, яъни инсон шаъни ва унинг қадриятини поймол қилувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олишга оид норма киритилишини тақлиф қиламан.



Илҳом
РАЖАБОВ,
Навоий вилояти
Кенгаши раиси



Феруза
ФАЙЗИЕВА,
Навоий вилояти
Кенгаши депутати

Юртимизда азалдан оила муқаддас қадрият сифатида эъзозланади. Назаримда бугун ана шу қадрият ҳам дарз кетаётгандек. Айниқса, даров ажрим хулосасини олган ёш ота-оналар бу ишлари билан ўз фарзандларини бир умрга руҳан майиб қилаётганларини англашмаяпти чоғи. Шунинг учун ҳам Конституциянинг 6-моддасидаги «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдилар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради» жумлаларига қўшимча қилиб «оилада ажрим бўлганда фарзанд тарбияси ва таъминоти учун ота ва она бир хил тартибда масъул ва мажбурдилар» деган жумла қўшилишини тақлиф этаман.

4 | Қонун қабул қилишнинг
ибратли намунаси

7 | Ўқувчига китоб ўқигани учун ҳам
баҳо қўйилса...



ЭНГ МУҲИМИ, ОММА УЙҒОНДИ!

Айни пайтда жамоатчилик, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кўп муҳокама қилинаётган мавзу бу, шубҳасиз, конституциявий ислохотлар мавзусидир. Нафақат сиёсатчилар ва ҳуқуқшунослар, фуқаролик жамиятининг барча институтлари, яъни аҳолининг кенг қатлами эртанги кунимизни янада барқарор, халқимизни фаровон этишга хизмат қиладиган Бош Қомусимизни такомиллаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

Конституциявий ислохотларни ўтказиш ташаббуси илгари сурилгандан кейинги 20 кун давомида конституциявий комиссияга 19200 га яқин таклифлар келиб тушгани эса юрtdошларимизнинг бугунги ўзгаришларга том маънода дахлдорлик ҳисси билан муносабатда бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда, таклифлар учун электрон платформа, кол-марказ, телеграм боти яратилгани боис халқимиз ўзининг фаол фуқаролик позициясини кенг намойён этмоқда.

Конституциявий ислохотларнинг моҳияти, фуқароларни қизиқтирган саволлар ва келиб тушаётган таклифлар бўйича эса давлат ва нодавлат телеканалларида 549 та кўрсатув, 325 та эшиттириш, интернет ва ижтимоий тармоқларда 3490 та чиқишлар қилиниб, уларни интернет тармоғида 25 млн дан ортиқ фойдаланувчилар кузатган. 20

млн дан ортиқ фуқаро эса изоҳлар қолдирган. Ушбу ниҳоятда муҳим сиёсий жараёнга аҳолининг барча қатламини янада кенгроқ жалб этиш мақсадида мобил операторлар томонидан 30 млн дан зиёд абонентларга фуқаролик позицияларини билдириш учун эслатмалар жўнатилди. Энг асосийси, конституциявий комиссия ёки сиёсатчилар томонидан конституцияни ўзгартириш учун таклифлар тайёрланиб, уларга нисбатан аҳоли муносабатини олиш эмас, балки ҳар бир фуқародан конституциявий ислохотларга нисбатан таклифлар олиш мақсад қилинганини қайд этиш жоиз.

Яна бир қувонарли ҳолат, конституциявий комиссия йиғилишлари, келиб тушган таклифлар асосида тайёрланган моддалар муҳокамаси жонли эфирга узатилаётганидир. Қайд этиш лозим, конституцияни ислох қилиш

бўйича 9 та йўналиш бўйича аҳоли томонидан жамоавий шакллантирилган ғоя ва таклифлар келиши кун сайин ортиб бормоқда. Агар ана шу таклифлар асосида Конституциявий комиссиянинг биринчи йиғилишида 10 та модда муҳокама қилинган бўлса, кечаги иккинчи йиғилишида 41 та ғоя юридик жиҳатдан расмийлаштирилиб, 24 та модда муҳокама қилинди.

Келиб тушаётган таклифларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, монополияни чеклаш, давлатнинг иқтисодийдаги ўрини камайтириш, оила ва маҳалла институтларини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя каби муаммолар кўпроқ тилга олинаётгани эса аҳоли томонидан жамиятимиздаги реал воқелик акс этаётганидан далолатдир.

Нодир ТИЛAVОЛДИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФИМ БОР



Лайло ТУРСУНОВА,
Зарафшон шаҳар
Кенгаши депутати

Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари (ҳокимлар) бир пайтнинг ўзида Халқ депутатлари Кенгашлари раислари бўлиши тўғри эмас, деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам Бош Қомусимизга Халқ депутатлари Кенгашлари раислари кенг жамоатчилик орасидан сайланиши, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти билан Халқ депутатлари Кенгаши ваколатларини алоҳида-алоҳида қилиш борасидаги нормани киритишни таклиф қиламан.

Амалдаги Конституцияимизнинг 54-моддасида ерости ва ерусти табиий бойликлари халқники деб эътироф этилаётгани-ю амалда давлатнинг ўзи бу қондага амал қилмаяпти. Масалан, Навбаҳор тумани ҳудудида Менделеев жадвалига кирган барча маъданлар мавжуд. Бироқ Сармишсой дарасида ва бошқа ҳудудларда хоризлик ҳамкорлар томонидан ерости бойликларини портлатиш усулида қазиб олиниши ва бунда кимёвий моддалар қўлланилиши натижасида ҳудуднинг экологик мувозанати бузилиб ўсимликлар дунёсига жуда катта зарар етказиляпти. Шуларни эътиборга олиб, 54-моддага «Халқ мулкига дахл қилиш қонунга зид. Халқ мулкидан фойдаланиш фақат унинг розилиги ва давлат иштироки билан амалга оширилади» деган тузатиш киритишни таклиф қиламан.



Рустам САЙЛХОНОВ,
Навбаҳор тумани
Кенгаши раиси
ўринбосари

✓ Лойиҳа



ХОТИН-ҚИЗЛАР IT СОҲАСИ БЎЙИЧА ЎҚИТИЛАДИ

Андижонда «Digital girls» лойиҳаси доирасида хотин-қизлар IT соҳаси бўйича таҳсил олади.

Мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш, хусусан, Президентимизнинг яқин йиллар ичида Ўзбекистонда 1 миллион дастурчи тайёрлаш борасидаги топшириқ ва таклифлари асосида Андижон вилоятида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги уч йил давомида «Andijan digital city» технопарки томонидан вилоятда IT йўналишида 37 та марказ ташкил этилди. Амалга оширилаётган қатор лойиҳалар доирасида 1 минг 500 нафарга яқин IT соҳаси мутахассислари тайёрланди.

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида вилоятда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, ахборот технологиялари соҳасида хотин-қизларни рақамли таълимга йўналтириш, уларни замонавий касбларга тайёрлаш, IT соҳасидаги билимларини бойитиш ҳамда масофадан туриб даромад топиш имкониятини яратиш мақсадида «Andijan digital city» технопаркида «Digital girls» лойиҳаси доирасида ўқув курслари ташкил этилди.

– Лойиҳанинг асосий мақсади, хотин-қизларнинг ахборот технологиялари бўйича билим ва малакаларини янада ошириш, хусусан, SMM асослари, график дизайн, 3D дизайн, дастурлаш йўналишларида ўқитиш орқали уларни замонавий касбларга ўргатишдан иборат, – дейди «Digital girls» лойиҳаси раҳбари Доно Солижонова. – Лойиҳа доирасида 1-босқичда 100 нафар опа-сингилларимиз таҳсил олса, кейинги босқичларда қизиқиш ва талабдан келиб чиқиб, уларнинг сони янада оширилади.


Грант асосида ташкил этилган мазкур ўқув курси хотин-қизларни замонавий IT дастурларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Курсни муваффақиятли тамомлаганларга тегишли сертификатлар топширилди.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА

✓ Депутат минбари

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТГА АЙЛАНГАННИ КЎРСАТЯПТИ



Конституциявий комиссия маълумотларига кўра, ўтган 20 кунда комиссияга 20 мингга яқин таклифлар келиб тушган. Уларда инсон ҳаёти, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, гендер тенглиги, оила, ёшлар, давлат ва жамият тараққиёти билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Албатта, бу юрtdошларимизнинг бугунги ўзгаришларга, яъни мамлакат тақдири ва келажагига бефарқ эмасликларидан далолат беради.

Маълумки, «Инсон қадрини учун» тамойили асосида ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида илгари сурилган ғоя ва устувор вазифалар, жумладан, адолатли давлатни барпо этиш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш сингари масалалар эзгу мақсадларимизга ҳуқуқий пойдевор бўлувчи Бош Қонунимизни янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига киритмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, кўп бора таъкидлаганимиздек, дунёда идеал, ўзгармас қонунларнинг ўзи йўқ. Асрлар силсиласида пайдо бўлган талаб ва таклифлар, юз бераётган воқеа-ҳодисалар, одамларнинг ўзгараётган дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда Конституцияларга ҳам вақти-вақти билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2000 йилдан то бугунги кунгача дунёнинг 60 га яқин давлатида янги Конституция қабул қилинган. 86 давлатда конституциявий ислохотлар амалга оширилган ва аксариятда Бош Қонуннинг қарийб олти миш фоизи ўзгартирилган. 153 та давлатнинг Конституциясига эса бир эмас, бир неча бор ўзгаришлар киритилган. Бу рўйхатда Европанинг энг ривожланган давлатла-

ри ҳам бор. Илк Конституция қабул қилинган АҚШ Бош Қонунига ҳам ҳозиргача 27 марта ўзгариш киритилгани маълум. Демак, мутахассислар қайд этганидек, бугунги глобаллашув шароитида бутун дунёда конституциявий ислохотлар янги сифат босқичига чиқмоқда.

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясига эса шу кунгача 16 марта ўзгариш ва қўшимчалар киритилганини айтиш мумкин. Илк ўзгариш 1993 йилнинг декабрида киритилган бўлса, 2021 йилнинг 8 февралда қабул қилинган сўнгги ўзгариш сайловларни октябр ойида ўтказиш билан боғлиқ эди.

Тан олайлик, шу пайтгача ўтказилган конституциявий ислохотларда халқимизнинг иштироки бугунги даражадагидек бўлмаган. Бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани ҳам ҳақиқат. Кейинги йилларда эса бу борада юртимиз муҳим сиёсий ўзгаришларни бошдан кечирди, сўз ва матбуот эркинлиги таъминланиб, Ўзбекистон очик жамиятга айланди.

Албатта, бундай сэй-харакатлар мамлакатимизда ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамиятининг шаклланиши, адолатли ва халқпарвар сиёсат юри-

тилишини таъминлаётир. Конституциявий ислохотлар эса, шубҳасиз, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда Конституциявий комиссияга юборилаётган таклифлар учун аънавий шакллардан ташқари янги информацияни айтиш мумкин. Илк ўзгариш 1993 йилнинг декабрида киритилган бўлса, 2021 йилнинг 8 февралда қабул қилинган сўнгги ўзгариш сайловларни октябр ойида ўтказиш билан боғлиқ эди.

Айни пайтда барча даражадаги депутатлар ўз сайлов ҳудудларида бўлиб аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказишяпти, конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва зарурати ҳақида тушунтиришлар бериб, аҳоли таклифларини қабул қилмоқдалар. Энг муҳими, ана шундай учрашувлар чоғида юрtdошларимиз Ўзбекистон Конституциясига ҳам бугунги тезкор ўзгаришларга мос бўлиши лозимлигини таъкидламоқдалар.

Зафар АБДУРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

